

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли акциядор, “Конвин” АЖ, Сизга 2023 йил 13 июнь куни соат 11-00 да Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида (жамият мажлислар залида) 2022 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2023 йил 8 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2023 йил 13 июнь куни соат 10:00 дан бошланиб соат 10:30 га қадар давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятнинг 2022 йилга бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият Бошқарув раисиининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг ҳулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2023 йилги молия-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш;
7. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш;
8. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2022 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият ижроия органи раҳбарини ва бошқарув органи аъзоларини сайлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари билан Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖда танишишингиз мумкин.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.